

Мусулмонларнинг айбларини беркитиш | Ўн биринчи ҳақ



16:27 / 18.08.2025 951

Исломда мусулмонларнинг камчиликларини яшириш улуғ фазилатли амал ҳисобланади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй тили билан иймон келтириб, иймон қалбига кирмаган жамоат! Мусулмонларни ғийбат қилиб, айбларини ахтарманг. Ким уларнинг айбларини ахтарса, Аллоҳ ҳам унинг айбини ахтариб, уйининг ичида бўлса ҳам уни шарманда қилади”, деганлар.

Айбларни ёпиб ўзини билмаганга солиш дин аҳлининг одатидир. Дин биродарининг битта хатосини маъзур кўриш учун етмишта узр ахтариш лозим. Агар ҳеч қандай узр топа олмаса, ўзини “кўрлик”да айблаб, унинг ишини ўзича тўғрилиқка йўяди. Бу биздан олдинги солиҳларнинг одатларидир. Бу фазилатнинг қиёматга тегишли жуда қимматли ўрни эса қуйидагича:

“Бир банда дунёда бошқасини (айбини) беркитар экан, Аллоҳ қиёматда уни (айбини) беркитади”.

Абдулҳамид Зайриевнинг **“Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”**
китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.

